O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

XДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 6-avgust • Shanba • 95 (27.430) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Бандлик муаммоси: фикр, таклиф, мулоҳаза

## ТАКЛИФЛАР АЙТАЙЛИК, ТАЛАБ ҚИЛАЙЛИК

Ҳозирда аҳолини кўпроқ ўйлантираётган ва қийнаётган муаммо бу — ишсизлик. Айниқса, қишлоқ жойларда.

Одамларни иш билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият органлари, мутасаддилар жойларда турли йўналишдаги кичик ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар ташкил этилишини йўлга қўйиб, қўшимча янги ишчи ўринлари яратилишига кўпроқ ҳисса қўшишлари керак. Шунда қисман бўлса-да, ҳар бир кишининг ўз касби бўйича тўлақонли ишлаши учун шарт-шароитлар яратилган бўлар эди.

Туманимиз аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Лекин иш тополмай юрганлар ҳам кўп, муаммолар ҳам талайгина. Партиямиз кейинги вақтда қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, яхши ҳақ тўланадиган барқарор иш жойлари яратиш, айниқса қишлоқларда ишлаб чиқариш ва маданият масканлари, маиший хизмат шахобчаларини ривожлантириш каби долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин ҳамма гап ишни охиригача етказишда.

Агарда Ўзбекистон ХДП ўзининг ижтимоий негизи манфаатларига жавоб берадиган қарорларни қабул қилишни ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимият органларидан талаб этмаса ва бунга эришмаса, халқнинг партиямизга бўлган ишончи ва қизиқиши бора-бора йўқолади. Шунинг учун биз бу борадаги саъй-ҳаракатимизни нафақат парламентда, балки сайловлар натижасига кўра депутатлик гуруҳлари тузилган жойларда ҳам фаол олиб боришимиз зарур.

Биз ҳеч кимдан ҳеч нарсани кутиб ўтирмасдан ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз лозим. Биз тегишли тартибда тегишли ташкилотлар ва мутасаддилар олдига муҳим ижтимоий масалалар хусусан, ишсизлик муаммосини қўйишимиз керак. Партиямизнинг жойлардаги бўғинлари маҳаллий ҳокимият органларига ушбу масалалар ечими юзасидан аниқ чора-таклифлар билдиришлари лозим.

**Файзулла МАДАМИНОВ,**
**Беруний тумани статистика бўлими бошланғич партия ташкилоти раиси**

## ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ЙЎЛЛАР

Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини транспорт коммуникациялари, биринчи навбатда, темир йўллар ташкил этади. Шу боис, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ темир йўлларни бошқаришни такомиллаштириш, халқ хўжалиги ва аҳолининг ушбу транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини тўларoқ қондириш вазифалари изчил ҳал этилмоқда.

Темир йўл ёрдамида юк ташиш, жумладан, транзит ҳажми йилдан йилга ортмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг экспорт-импорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2005 йилнинг биринчи ярмида темир йўллар ёрдамида 22,5 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Унинг хизматидан 8,2 миллион йўловчи фойдаланди. Юк ташиш ҳажми 9,1 миллиард тонна-километрни ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компанияси мамлакатимизнинг яхлит темир йўл тизимини яратиш, барча ҳудудларни тўғридан-тўғри алоқа йўллари билан боғлаш мақсадида олиб бораётган изчил ишларнинг натижасидир. Янги йўлларнинг қурилиши ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Темир йўл ўтган жойларда янги аҳоли пунктлари пайдо бўлиб, турар жой бинолари, мактаблар, бошқа ижтимоий объектлар сони янада кўпаймоқда. Янги корхоналар очилиб, аҳоли орасида бандлик масаласини ҳал этиш имконини бермоқда.

Чунончи, узунлиги 341 километрлик янги Учқудуқ — Мискин — Нукус темир йўли Қизилқум орқали ўтди. Амударё узра эса янги технологиялар асосидаги 681 метрлик автомобиль-темир йўл кўприги қурилди. Қўнғирот — Нукус — Тошкент йўналишида поездлар ҳаракати йўлга қўйилгани туфайли Туркманистон орқали айланиб ўтиш зарурати қолмади. Тез орада Ҳисор тоғлари Қашқадарё ва Сурхондарё ўртасидаги қатновга халал бермай қўяди — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўналишида тўғридан-тўғри қатнов ташкил этилади. Ҳозир бу йўл қурилиши жадал давом этмоқда. Унинг икки участкаси ишда фойдаланиш учун топширилди. Шу кунларда Деҳқонобод — Қорадахна босқичидаги ишлар якунланди.

Бундан ташқари, мавжуд магистраллар ҳам сезиларли даражада янгиланди. Сўнгги икки йилда республиканинг турли ҳудудларида 320 километр узунликдаги темир йўл реконструкция қилинди. Бугунги кунда Самарқанд — Хўжадавлат участкасида ҳам шундай лойиҳа амалга оширилмоқда. Тошкент — Бухоро йўли бўйлаб оптик толали кабель ётқизилиши ҳам поездлар ҳаракатининг яхшиланишига ёрдам беради.

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясида ҳаракатланувчи таркибни замонавийлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Яқинда 12 та энг замонавий электровоз харид қилинди. Уларнинг ҳар бири 6 минг киловатт қувватга эга бўлиб, компьютер билан бошқарилади ва электр энергиясини сезиларли даражада тежайди.

Йўловчиларнинг эҳтиёжлари ҳам унутилгани йўқ. Тошкент ва Самарқанд ўртасида кўплаб қулайликларга эга «Регистон» тезкор поезди қатнамоқда. Мустақиллик байрами арафасида Тошкент — Бухоро йўналишида ҳам «Шарқ» деб аталган шундай поездни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

2-бет

## МАЛИКА САЯКО ЎЗБЕКИСТОН КЎРГАЗМАСИ МЕҲМОНИ

**Айни кунларда Кунчиқар мамлакатининг Аичи префектурасида бўлиб ўтаётган «Экспо — 2005» халқаро кўргазмасида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Яқинда кўргазманинг Ўзбекистон экспозициясига Япония Императори Ҳазрати олиялари малика Саяко ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмонни «Экспо — 2005» халқаро кўргазмаси уюшмасининг бош котиби Тошио Накамура, Император саройи мутасаддилари, ОАВ вакиллари ҳамроҳлигида Ўзбекистоннинг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов кутиб олди.**

«Табиат ўгитлари» шиори остида ўтаётган ушбу нуфузли халқаро тадбирнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон экспозицияси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган эди. Чунки у халқимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одатию бебаҳо қадриятлари ҳамда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган улкан муваффақиятларини ўзида яққол мужассам этган. Шу боис «Экспо — 2005» талабларига тўла жавоб берган мамлакатимиз экспозицияси 120 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этаётган ушбу халқаро анжуманнинг бронза медалини қўлга киритди.

Япония Императори Ҳазрати олиялари малика Саяко кўргазмага ташрифи чоғида Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон бўлмасига алоҳида эътибор қаратгани эса бунинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон павильони ичида қад ростлаган Бухородаги Минораи Калон, Хивадаги Қўш дарвоза ёдгорликларининг нусхалари, ўзбек миллий либослари, тақинчоқ ва безаклар, наққошлик, ёғоч ҳамда ганч ўймакорлиги намуналари малика Ҳазрати олияларида катта таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА**










# МИЛЛИЙ БОҒНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

### БУГУН ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИ ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Шу кунларда республикамизнинг барча шаҳару қишлоқларида энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 14 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтимиз Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз яқинда бу ерга ташриф буюриб, боғ ҳудудида жойлашган «Наврўз» саҳна мажмуидаги реконструкция ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, «Наврўз» саҳна мажмуи эндиликда халқимизнинг энг севимли ва ардоқли масканларидан бирига айланади. Чунки бундан буён давлат миқёсидаги муҳим тантаналар, байрам томошалари айнан шу ерда бўлиб ўтади. Бугун мазкур саҳна мажмуида илгари мавжуд бўлган 3000 томошабин ўрни кенгайтирилиб ҳамда қўшимча металл конструкциялар ҳисобига 8000 тага кўпайтирилди.

— Аввалги саҳна фақат бетондан иборат эди, — дейди «12-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 65-қурилиш бошқармаси муҳандиси Баҳодир Акбаров. — Президентимиз бу ерга ташрифи чоғида саҳна санъаткорларнинг чиқишлари учун қулай бўлиши, уни ёғингарчилик мавсумида авайлаб-асраш юзасидан амалий тавсиялар бердилар. Шундан келиб чиқиб, диаметри 34 метр бўлган айлана саҳнага мустаҳкам палуб ёғочларидан ўрнатиляпти.

Шунингдек, трибуналар ортидан санъаткорларга хизмат кўрсатиш, техник қурилмаларни бошқариш пультлари, аккумулятор хоналари ўрин олади. Қад ростлаб турган саккиз минорага эса ёритиш мосламалари ўрнатилади.

Бешёғоч майдонидаги боғ дарвозаси ва унинг атрофи шу пайтгача ташландиқ, баъзи жойлари авария ҳолатига келиб қолган эди. Эндиликда пойтахтимизнинг қоқ марказидаги бу маскан янгича қиёфа касб этади. Даставвал, боғ дарвозаси таъмирланиб, миллий меъморчилигимизга хос нақш ва безаклар билан жилоланади.

— Бу ташаббусда чуқур маъно бор, — дейди «Турон» марказ қурилиш акциядорлик жамиятига қарашли 1-сонли қурилиш бошқармаси иш бошқарувчиси Жўра Муртазоев. — Негаки, бу жой Миллий боғ. Халқимиз ифтихор этадиган, қувончу шодиёналарини нишонлайдиган табаррук маскан. Шу боис бу ерда миллий руҳ, нафосат ва гўзаллик акс этиб туриши лозим. Биз Президентимизнинг ана шу талабларидан келиб чиқиб меҳнат қиляпмиз.

— Асли Наманган вилоятининг Косонсой туманиданман, — дейди ўзини Низомиддин Соҳибов деб таништирган ишчи. — Маошимиз ҳам, шароитимиз ҳам яхши. Мен пойтахтимизнинг янада чирой очиши ва обод бўлишига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Менимча, эл-юрт манфаати йўлидаги бу ишларда қатнашаётган ҳар бир қурувчининг кўнглида ана шундай ифтихор бор.

Дарҳақиқат, бугун Миллий боғ чуқур ўйланган лойиҳа асосида қайта таъмирланмоқда. Хусусан, дарвозадан кираверишдаги кенг ва бесўнақай бетон майдон эндиликда табиий яшил масканга айлантирилади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда боғдаги кўлга қуйилувчи сув узунлиги 100 метр бўлган иккита туннелдан ўтади. Бу эса сув таркибидаги лойқа ҳамда бошқа чиқиндиларни тозалаш вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, боғдаги режасиз қурилган, кўримсиз бино ва савдо расталари кўчирилиб, уларнинг ўрнига озода, чиройли хизмат кўрсатиш шахобчалари бунёд этилади. Айниқса, кўлда сузиб юрувчи қаҳвахона кўпчиликка манзур бўлиши тайин.

Яна саноқли кунлардан сўнг бу боғ гулларга, яшил либосга бурканади. Кўл унга ўзгача кўрк бағишлайди. Миллий боғ пойтахтимизнинг энг гўзал, энг файзли истироҳат боғига айланади.

**Анвар САМАДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** қурилиш жараёнидан лавҳалар.







Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Газетада босилмади, аммо...

## ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

***Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи Бибихол Эгамбердиева ўтган йилнинг август ойида фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига ўзи ва ўғиллари томонидан киритилган даъво аризасининг кўрилиши сабабсиз чўзилаётганлиги ҳақида таҳририятга шикоят қилган эди. Масала Олий суд эътиборига ҳавола этилган эди.***

***Яқинда Олий суддан қуйидаги мазмунда жавоб хати олинди.***

«Даъвогарлар — И.Аманов, Б.Эгамбердиеваларнинг жавобгар — Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмасига нисбатан уй-жойни рўйхатга олиш баённомасини бекор қилиш, турар жойни тақсимлаш ҳақидаги фуқаролик ишини кўришда фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг судьяси Д.Алмуратованинг сансоларликка йўл қўйганлиги учун фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судлари судьялари малака ҳайъатининг 2005 йил 18 июлдаги қарори билан интизомий иш қўзғатилиб, жазога тортилди.

**Ж. БАЛКИБАЕВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси»**

Муносабат

# ҒАВҒОНИНГ САБАБЧИСИ ИҒВО

Ҳаётда эрксиз одам кўп учрайди, аммо эрксиз давлат ҳақида камдан-кам эшитганмиз. Жаҳонда кучсиз давлатлар кўп, аммо кучсиз ҳукуматлар камдан-кам учрайди. Эсимда бор, Асқар Акаев мамлакатни тарк этганида Владимир Путин бу ҳолатни «ҳукуматнинг кучсизлиги» деб баҳолаган эди. Бугун эса Қирғизистон жаҳон афкор оммаси кўзи олдида эрксиз давлат сифатида намоён бўлаётганга ўхшайди. Назаримда бу давлат ҳозир халқ сайлаган раҳбар томонидан эмас, балки ташқаридан туриб бошқарилмоқда. Ҳатто 439 нафар Ўзбекистон фуқароси қочқин мақоми остида Қирғизистондан мажбуран олиб чиқиб кетилишида ҳам бу давлатнинг ҳукумат идоралари ташқаридан кўрсатма олиб турищди.

Бундай кўрсатмалар ҳақида Қирғизистон оммавий ахборот воситаларида ҳам очиқ ёзилмоқда. Маълумки, ҳозир Ўш қамоқхонасида Андижондаги террорчилик ҳаракатларига алоқадор 15 нафар Ўзбекистон фуқароси сақланмоқда. Уларнинг 11 нафарига халқаро тартиб-қоидага хилоф равишда қочқин мақоми берилган. Ҳозир ташқаридан буйруқ қилаётганлар қамоқдаги қолган 4 кишига ҳам қочқин мақомини бериш ва уларнинг ҳаммасини учинчи бир давлатга олиб чиқиб кетилиш масаласида қатъият кўрсатишни Қирғизистондан талаб қилишмоқда.

Жумладан, АҚШ давлат департаменти расмий вакили Шон Маккормакнинг Бишкекда тарқатилган расмий баёнотига кўра, АҚШ давлат департаменти ва БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси ана шу ўн беш ўзбек фуқаросини бошқа мамлакатга тезроқ олиб чиқиб кетишни қатъий талаб қилмоқда. Ҳатто улар бу масалага Қирғизистон бош прокуратурасини аралаштирмасликни маслаҳат беришмоқда. Қамоқдагилар ҳақида бунчалик қайғуришяптими, демак, бу ерда қандайдир сир бор.

Инсон ҳуқуқларининг «меҳрибон» ва «қатъиятли» ҳомийлари ҳатто ўтган ҳафтада Бишкекдан Руминияга олиб чиқиш пайтида хорижга кетишдан қатъий бош тортган бир фуқаро ҳақида маълумот беришни бош прокуратурадан талаб қилишган. Маълум бўлишича, бу одам Ўзбекистонда қариндошларим бор, уларни ташлаб кетмайман, деб туриб олибди. Афсуски, сохта ҳуқуқ ҳимоячилари қолган 439 нафар ўзбекнинг хоҳиши билан қизиқиб ҳам кўришмаган. Оғир жиноят қилиб, қўли қонга ботганлари жазодан қўрқиб ортга қайтишдан чўчийди, албатта. Аммо, аёллар, болаларчи? Адашиб тўдага қўшилиб қолганларчи?.. Дарвоқе, давлат департаменти ва олий комиссар барча талабларни бажаришда тезкорлик кўрсатаётганлиги учун Қирғизистон ҳукуматига миннатдорчилик билдирганлигига нима дейсиз? Уларга ўз юртидан мажбурий равишда маҳрум қилинган инсонлар қалбига қулоқ солишдан кўра ўз ғаразли мақсадларини тезроқ амалга ошириш муҳимроқ.

Гап инсонпарварлик ҳақида борар экан, Африкадаги айрим давлатларда ҳар йили юз минглаб тинч аҳоли зўрлик ва зўравонлик қурбони бўлаётган бир пайтда уларга ёрдам кўрсатиш борасида ҳеч ким жиддийроқ бош қотирмаётганига эътиборни қаратмоқчимиз. Баъзи қабилалар ўртасидаги миллий-этник низолар одат тусига кириб қолган. Миллионлаб қочқинлар, очлар ва қувғинлар бор. Негадир уларнинг тақдири ҳақида АҚШ ҳам, БМТ ҳам Қирғизистонга ўтган ўзбек фуқароларига берилаётган эътибор даражасида қайғурмаяпти ёки уларга нисбатан инсонпарварлик кўрсатмаяпти. Демак, инсон ҳуқуқлари масаласига ёндашишда турли мезонлар қўлланяпти. Бу мезонлар кимларнинг қандайдир манфаатларидан келиб чиқиб танланиши аниқ.

Қирғизистон Европа Иттифоқининг аъзоси эмас. Бироқ бу ташкилот ҳам мазкур мамлакатнинг ички ишига тинимсиз аралашиб, йўл-йўриқ бериб турибди. Энг ажабланарлиси шундаки, ҳукуматнинг расмий доиралари соғлом ақл-идрок овозига эмас, бошқаларнинг ташқи буйруғига кўпроқ қулоқ солишяпти. Ҳатто уялмай-нетмай, бировларнинг маслаҳатларини матбуотда очиқ ёзишяпти. Қирғизистоннинг АКИ-пресс ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Европа Иттифоқи баёнот бериб, «қочқинларни тез ва хавфсиз олиб чиқиб кетишни таъминлаганлиги учун» ҳукуматга миннатдорчилик билдирган ва Ўш қамоқхонасида сақланаётган 15 кишига нисбатан ҳам худди шундай «изчиллик ва қатъият» кўрсатилади, деб умидвор бўлган. Ажабо, юз минглаб боснияслик мусулмонлар қириб ташланганида Европа Иттифоқи қаерда эди?! Афғонистонда бутун бир тўй маросими келин-куёву қуда-андалар билан бирга осмондан туриб йўқ қилинганида Европа Иттифоқи лом-мим демаганди-ку! Бегуноҳ одамлар зўрлик ва зўравонлик қурбони бўлаётган, инсон ҳуқуқлари бузилаётган, кучли давлатлар тазйиқига учраётган бошқа жойларда ҳам Европа Иттифоқининг овози эшитилмаяпти. Ёки бу халқаро ташкилотнинг ўзи ҳам бировларнинг тазйиқига учраяптими? Афтидан, шундай бўлса керак.

Ҳар ҳолда бу ишга танаси бошқа дард билмасларнинг аралашиб қолганлиги турли машмашаларга сабаб бўлмоқда. Осиёдаги бир давлатда юз берган вазиятни, умуман, бу ердаги ҳаётни, халқнинг менталитетини европалик ҳакамлар ўз андозалари билан ўлчашмоқда. Улар тутган йўл «эшакда юким йўқ, йиқилса ишим йўқ» қабилида. Бир мамлакат ва бир халқ тақдири уларни қизиқтирмайди. Улар ҳаммани ўз қолипларига солишга ўрганиб қолишган. Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатдаги мустақил ҳаракатлари, айтиш мумкинки, журъатли қадамлари, ўзбек халқининг ғарбча турмуш тарзини қабул қила олмаётганлиги, умуман, бизнинг ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлишни истамаётганлигимиз дунёга ҳукмронликни даъво қилаётганларга ёқмаяпти. Иғводан ғавғо чиқаётганлигига сабаб шунда.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

*Жазосини олган жиноятчи — бошқа муттаҳамлар учун намуна; ноҳақ қораланган одам эса барча ҳалол кишиларнинг виждонига отилган тошдир.*

**Жан де ЛАБРЮЙЕР**

# ИНСОН ҲАЁТИ – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Мамлакатимизнинг собиқ шўролар даврида қабул қилинган Жиноят кодексида 40 га яқин моддада ўлим жазоси назарда тутилган бўлиб, улар орасида оғир жиноятлар билан бир қаторда давлат мулкини талон-торож қилганлик учун ҳам ўлим жазоси белгиланган эди. 1994 йили Ўзбекистон Республикасининг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинганидаёқ ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятлар сони кескин камайтирилди. Жиноий жазо тизимини либераллаштириш ана ўша вақтдан бошланиб мамлакатимизда бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Биринчи босқичда, юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинди. Бу илгариги ҳужжатлардан тубдан фарқ қилиб, унда инсон ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати биринчи даражали этиб белгиланди.

1998 йилда Жиноят кодексига яна ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Буни шартли равишда жиноий жазоларни либераллаштиришнинг иккинчи босқичи, деб талқин қилиш мумкин. Агар 1994 йилги Жиноят кодесида ўлим жазоси назарда тутилган 13 та модда бўлган бўлса, 1998 йилга келиб 8 тага камайди. 2001 йилда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритилди ва ўлим жазоси тайинланадиган 4 та модда қолдирилди.

2003 йили жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга киритилганидан сўнг, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқида мамлакатимизда ўлим жазосини қўллашдан босқичма-босқич воз кечиши керак, деган фикрни илгари сурганди.

Шундан сўнг олимлар ва мутахассислар орасида бу таклифнинг моҳияти борасидаги баҳслар янада жонланди. Хўш, ўлим жазоси нима учун бекор қилиниши керак? Бу саволга муносабат билдиришдан аввал ўлим жазоси жамиятни энг хавфли ва қайта тарбиялаб бўлмайдиган жиноятчилардан ҳимоя қилишга хизмат қилади, ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятлар сонининг ўсишига олиб келади, қабилидаги фикрлар ҳам йўқ эмаслигини айтиш даркор. Лекин бу — масаланинг биринчи томони, холос.

Унинг иккинчи томонида эса суднинг хатоси туфайли айбсиз равишда қатл қилиниши мумкин бўлган бегуноҳларнинг ёки гуноҳи қатл этилишга арзимайдиган инсонларнинг тақдири туради. Бегуноҳ одам ўлимга маҳкум этилсаю унинг айбсизлиги ҳукм ижрога келтирилгандан сўнг маълум бўлса, суд хатосини тузатишнинг имкони бўлмайди. Қолаверса, ўлим жазосини бекор қилиш билан жиноятчиликнинг камайиши ёки ўсиши ўртасида боғлиқлик ҳақидаги гаплар ҳам исботини топмаган. Ниҳоят, ўлим жазоси жамиятдаги инсоний, ахлоқий тамойилларга зиддир.

Ўлим жазосини бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти бўлиш, инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида энг муҳим қадам қўяётганини англатади. Бу эса ўз навбатида жиноят судлов қонунчилигидаги номукаммалликлар, етарли малакага эга бўлмаган тергов ва суд органлари вакилларининг кечирилмас хатолари туфайли айбсиз одамни қатл қилиш эҳтимолини йўққа чиқаради.

Колумбия университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан ўтказилган ўлим жазосига оид изланишлар шуни кўрсатдики, 1973-1995 йиллар оралиғида дунёнинг ўнлаб мамлакатларидаги чиқарилган 71 фоиз ҳукм кейинчалик қайта кўрилган ва уларнинг 95 фоизида судланувчи оқланган ёки ўлим жазоси енгилроқ жазога алмаштирилган.

Жаҳон жамоатчилигининг саъй-ҳаракати туфайли ҳозирга келиб дунёнинг 80 та мамлакатида ўлим жазоси қўлланилмайди. 15 та давлатда истисноли ҳолатлардан ташқари барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. 23 та давлат жиноят қонунчилигида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса-да, лекин охирги ўн йилда бирорта ҳам ҳукм ижро этилмаган. Шундай қилиб, бу рақамлар жами 118 та давлатда қонунчилик тартибида ёки амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган, деган хулосани беради.

Ўлим жазосидан воз кечиб, умрбод ёки узоқ муддатларга жазо тайинлаётган Европа давлатларининг тажрибасини ўрганган мутахассис сифатида айтишим мумкинки, ҳаттоки умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилиш мақсадга мувофиқ эмасдек, назаримда. Чунки инсон яшар экан унинг ҳаётдан умиди узилмайди. Эртанги кунга умид билан қарайди. Умид бўлгандан кейин эса онгли ёки онгсиз равишда тузалиш йўлига ўтишга ҳаракат қилади. Фикримча, агар шахс тузалиш йўлига ўтса, унинг тўғри йўлга ўтганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилинса, психологлар, озодликдан маҳрум қилиш муассасалари ходимлари ва бошқа мутахассислар иштирокида жамият учун ижтимоий хавфи йўқ, деб топилган инсонни муайян жазо муддатини ўтагандан кейин озодликка чиқариш масаласини қўйиш керак. Яна бир муҳим масала: бу узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ўташ масаласи. Маҳкумлар жазони қаерда ўтайди, деган табиий савол туғилади? Уларга инсонга хос яшаш тарзини яратиб бериш муҳим. Бу эса ўз навбатида инсоннинг қадрини таъминлаш билан бирга, жамиятга, давлатга бўлган муносабатининг ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.

Лекин шу билан бир қаторда мазкур тоифага мансуб шахсларни сақлаш шарт-шароити енгилроқ жазо берилган шахсларни сақлаш шароитидан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада аввало ўлим жазосини бекор қилган ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш тажрибасига эга

**Муносабат**

бўлган чет мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини, шунингдек бундай шахсларни сақлашга оид халқаро стандартларни ўрганиш ва имкониятга қараб ўрганилган қоидаларни миллий қонунчилигимизга киритишимиз лозим.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўлим жазосини бекор қилиш ва уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Унда ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилик маркази раҳбари профессор Раъно Убайдуллаева сўзга чиқиб, 1999 йилда Президентимиз тавсияси билан уларга аҳоли ўртасида ўлим жазосини бекор қилиш бўйича сўровномалар ўтказилгани ва унинг натижасида ўша йили ўлим жазосини бекор қилишга қаршилар бекор қилинишига рози бўлганларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилганини айтиб ўтганди. 2005 йилда ўтказилган сўров эса жамиятимизнинг бу борадаги фикри ўзгарганлигини намоён қилиб берган. Ҳозир ўлим жазосини бекор қилишга нисбатан мамлакатимиз аҳолиси ижобий муносабатда.

Ўлим жазосини бекор қилишдек муҳим тадбир мамлакатимиз қонунчилигининг ривожланган мамлакатлар қонунчилиги билан бир қаторга олиб чиқишга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлашга, халқимизнинг пировард мақсади, дея эълон қилинган демократик, инсонпарвар жамият яратиш, инсон ҳаётини олий неъмат сифатида қадрловчи мамлакатни барпо этиш йўлида ташланган шахдам қадам бўлади.

**Қумринисо АБДУРАСУЛОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти доценти, фан номзоди**

**Ўзбекистон ХДП янгиликлари**

# ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК

## ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ БЎЛМОҒИ КЕРАК, — ДЕЙИШДИ НАВОИЙЛИК ПАРТИЯДОШЛАР

Дарҳақиқат, бугун жойларда бўлиб ўтаётган давра суҳбатлари, партиядошлар мулоқотлари ЎзХДПнинг V қурултойи материаллари ҳамда Марказий Кенгаш III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилган. Яқинда ХДП Навоий вилоят кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам худди шу сиёсий воқеликка ҳамда партиянинг янги Дастурини ҳаётга татбиқ этиш масаласига бағишланди. Унда иштирок этган партиянинг шаҳар, туман кенгашлари раислари, вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, партия фаоллари, шунингдек ҳудудий, бошланғич партия ташкилотлари раислари асосий диққат-эътиборни амалий ишларга, қурултой ҳамда пленум материаллари тарғиботига қаратишди.

Айтиш лозимки, бу ўқув-семинар олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, ошкора мунозара, кенг мушоҳадали баҳс тарзида ўтди. Семинарда партия нуфузини кўтариш, унинг молиявий, иқтисодий базасини мустаҳкамлаш билан бирга Андижон воқеалари, терорчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш масасалалари ҳам ўртага ташланди. Бу борада вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходими Шуҳрат Ҳодиев, вилоят ҳокимлиги ходими, партия фаоли Матлуба Азизова, вилоят хотин-қизлар ўқуви маркази раҳбари Гулчеҳра Норқуловалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Партия фаоли, етакчиси доимо омма орасида, энг муаммоли нуқталарда бўлмоғи, кишилар дарди билан яшамоғи керак, — дейди ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши масъул ходими Никита Старцев. — Ана ўшанда сўл қанот партия эканимиз тўлароқ намоён бўлади.

Хуллас, ўқув-семинарда сўзга чиққан ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Мусаев, ХДП Навбаҳор туман кенгаши раиси Шамсиддин Калоновлар ҳам партия фаоли, етакчиси халқ билан, маҳалла-кўй билан ҳамқадам, ҳамфикр бўлиши керак, деб таъкидлашди. Партиянинг нуфузи ҳам, унинг шаклу шамойили ҳам партиядошларнинг жипслигига, ташаббускорлик ва ташкилотчиликка боғлиқлигини уқтиришди.

Шунингдек ўқув-семинарда партия билетларини алмаштириш, партияга янги қабул қилинганлар билан ишлаш, партиядан сайланган депутатлар билан амалий ҳамкорлик хусусида ҳам мунозаралар бўлиб ўтди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ЙЎЛЛАР



Вокзаллар, бекатларнинг бинолари янада қулайроқ бўлиб бормоқда. Янги очилган халқаро йўналишлар Андижонни Саратов билан, пойтахтимизни эса Харьков, Новосибирск, Уфа шаҳарлари билан боғлади.

Бугун «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси меҳнат жамоаси қарийб 50 минг кишидан иборат. Компания ўз даромадининг муайян қисмини ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирмоқда. Бу ерда ходимларнинг соғлиғи, уларнинг самарали меҳнат қилиши ва тўлақонли дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Тиббий ва соғломлаштириш муассасалари тармоғида санаторийлар, пансионатлар, спорт мажмуалари, шифохоналар, касалхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Анъанага кўра, августнинг биринчи якшанбасида республикамиз темирйўлчилари ўз касб байрамини нишонлайди. Шу муносабат билан Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида ўтган тантанали йиғилишда тармоқ мутахассислари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК бошқаруви раиси А.Раматов компания ходимларини темирйўлчилар куни билан табриклаб, уларнинг фидокорона меҳнати туфайли республикамизда юклар ва йўловчиларни ташиш вазифаси муваффақиятли адо этилаётганини таъкидлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири нафақат тармоқни ривожлантириш, балки мазкур соҳада меҳнат қилаётган одамлар фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги темир йўллар тизимида сифат кўрсаткичларини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланди йиғилишда, соҳада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. Темир йўл корхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, янги йўллар қуриш ва мавжуд тармоқларни ривожлантириш зарур.

**А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

**Фармонни ўқиб**

# САМАРАСИ ЯҚИН, КЕЛАЖАГИ ЗАЛВОРЛИ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллик тўйи яқинлашгани сайин мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари ҳам бор қамрови ва бўй-басти билан кўз ўнгимиздан ўтмоқда.

Бугунга келиб мустақил мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият кўрсатаётгани, халқ вакилларининг зарур қонун ва қонуности ҳужжатлари устида изчил изланишлар олиб бораётгани фаровон келажакнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижроси йўлида қўйилаётган қадамларни тараққиётимиз кафолати, дейиш мумкин. Улардан бири — Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи текширишлар — молиявий ва маъмурий чоралар, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб варағидан фойдаланишни тақиқлаш ва ҳоказолар эндиликда фақат суд ҳокимияти томонидан амалга оширилиши тартиби чинакам адолатдан бўлди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш талаби ҳам бугунги кунда олдинги ўринга ўтди. Ахир, бундан 4-5 йил аввалги тадбиркор билан бугунги тадбиркорнинг фарқи бор-да. Шу ўринда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг янги дастурида белгиланган мақсадлар ҳам Юртбошимиз фармонларига уйғун эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг ижтимоий бозорни шакллантирмай туриб, эркин бозорга ўтиб бўлмайди, деган ғояси юқорида таъкидланган Фармонда тўла акс этиб турибди, десам янглишмаган бўламан. Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш борасидаги кўрсатмалар республикамизда ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғидан ташқари микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, ҳар чоракда тақдим этиш тизимига ҳам асос солинган.

Бу тамойил узоқ эмас, яқин йиллардаёқ ўз самарасини, ютуқлар бўйи-бастини кўрсатади.

**Зуҳриддин БАҲРИДДИНОВ**

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги диққатига!**

# ШОЛИНИНГ КЕТИДАН

## ЁКИ РЕСПУБЛИКА ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДАГИ

Халқимизда «Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичади» деган ҳикмат бор. Буни мақоламизга, унинг қаҳрамонлари фаолиятига қиёслайдиган бўлсак, ҳайратга тушадиган манзарага дуч келасиз.

Келинг, яхшиси гапнинг индаллосига ўта қолайлик. Марказий Осиёда ягона, салкам бир асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти уставида қуйидагилар қайд этилган: **«Қишлоқ хўжалигида шоличилик муаммолари мажмуини чуқур ўрганиш ва келажакда уни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, Ватанимиз ва жаҳон илм-фани амалиётининг энг илғор ютуқларидан тўлароқ фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларни ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришга жорий этиш институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади»**.

Аммо институтнинг кейинги йиллардаги аҳволига назар солсангиз, илмий ходимлар тадқиқотлар олиб бориш, янги навлар яратиш, соҳани ривожлантириш ўрнига, иқтисодий муаммолар бўҳронига тушиб қолган жамоани қаддини кўтариш йўлларини излаш билан овора бўлишмоқда.

Таҳририятимизга институт илмий ходимлари С.Маҳмудова, Г.Жўраевалардан келган шикоят хатида шундай дейилади: **«Шоличилик илмий-тадқиқот институти тақдири бугун хавф остида... Бунга сабаб эса у ерда бўлаётган ўзбошимчалик, кўзбўямачилик, талон-торожликларнинг авжига чиққанидир. Институт директори (собиқ) Ғиёс Раҳимовнинг келажакка боқмаслиги, илмий ходимлар, ишчилар, институт тақдирини ўйламасдан фақат ўз манфаатини кўзлаши, ҳакалак отган нафсига эрк бериши, ишга лоқайдсизлиги натижасида тўпланган бой илмий тажриба, тадқиқотлар, яратилган навлар тақдири, 25-30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган илмий ходимлар ва лаборантлар иш ўрни таҳликада қолди. Унинг ўғирлик, талончиликлари шу даражага етдики, натижада институт ходимлар иш ҳақини ҳам беролмай қолди. Аслида эса марказий тажриба хўжалигида етиштирилган маҳсулот ҳисобидан ходимларнинг 50 фоизини, ҳаттоки юз фоизини ҳам маош билан таъминлаш мумкин.**

**Шундай бўлишига қарамай, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан ходимлар маоши учун ёрдам сифатида ажратилган 6,5 миллион сўм ҳам манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган (собиқ) директорнинг «ғазнаси»га бориб тушди. Биз бу ўғриликка чидолмасдан, 2005 йил 28 мартда ИИЧ марказига шикоят хати (№ 17-03-73) билан чиқдик. Шундан сўнг жорий йилнинг 5-10 апрелида 2004 йил сентябридан жорий йилнинг февралигача бўлган иш ҳақимизни маҳсулот ҳисобида олдик.**

**Институтимизда ёш, қобилиятли илмий ходимлар бўла туриб, Ғиёс Раҳимов ҳали мактабда ўқийдиган ўғли Раҳимов Пўлатни 2004 йилда Хитой Халқ Республикасига бир ярим ой муддатга шоли етиштириш технологияси ва селекцияси бўйича малака оширишга жўнатганига нима дейсиз...**

**2000 йилда директор (собиқ) Ғ.Раҳимов институтга олиб келинган ҳар бири ҳозирда 3 миллион сўм турадиган трансформаторнинг иккитасини 115 мингдан 230 мингга пуллаб, уни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Марказий тажриба хўжалигида етиштирилган ҳосилга кетган барча сарф-харажат гектарига 510-520 минг сўмдан бўлиб, у ижарачилар ҳисобидан қопланган. Шунга қарамай, ўтган йили етиштирилган ҳосил учун харажатларни қоплаш баҳонасида бош ҳисобчи Б.Набиев томонидан ҳужжатлар қалбакилаштирилиб, 160 тонна шолини 160 сўмдан 25 миллион 600 минг сўмга сотиб, ғазнага 145 сўмдан, яъни 23 миллион 200 минг сўм кирим қилиб, «фойда қилинган» 2 миллион 400 минг сўм директор билан «арра» қилинган. Бу масала институт илмий кенгашида муҳокама қилиниб, (собиқ) директордан бунга ойдинлик киритиш ҳақида сўралган, аммо ҳалигача жавоб ҳам, жавобгар шахс ҳам аниқланмади. Шунингдек, шолини қоплаш учун қоп сотиб олиш мақсадида сохта ҳужжатлар тўлдирилган ва 9 миллион 200 минг сўм турли корхоналарга ўтказилиб, сўнгра ўзлаштириб юборилган...**

**Ғ.Раҳимов бунданда мўмай даромад топиш мақсадида институт қошида 1995 йилдан бошлаб «Элита», «Агросинтез-сервиз», «Ҳосил» номли хусусий корхоналарини ташкил этади. Буларнинг номи бошқа-бошқа бўлса-да, шакл-шамойили, фаолият тури, даромад манбаи бир хил бўлган. Энг ачинарлиси, уларнинг фаолияти институт ҳисобидан олиб борилган. Корхоналар эса 2-3 йилда тугатиб юборилаверган. Бундан мақсад қарзлардан кечиш, мол-мулкни ўзлаштиришдан иборат бўлган.**

**Бугунги кунда уларнинг «давомчиси» сифатида «Агромеридиан» илмий-техникавий ишлаб чиқаришни жорий қилиш хусусий корхонаси фаолият кўрсатмоқда. У ҳам «устозлари» каби институт базасида, унинг қарамоғида «ҳаёт кечирмоқда». Ғиёс Раҳимов эса асосий иш вақтини хусусий корхоналар фаолиятига бағишлаб келган. Шундай бўлишига қарамай, «Агромеридиан»нинг Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институтидан шу кунгача бўлган қарзи 110 миллион сўмга етган. Уни тўлаш эса корхона раҳбарининг хаёлида ҳам йўқ.**

**Буни қарангки, жорий йилнинг 6 январида Ғиёс Раҳимовнинг жиноий ҳаракатларидан бири фош этилди. У бошчилигидаги гуруҳ 4400 килограмм шолини ноқонуний равишда сотаётган вақтда Ўртачирчиқ туман прокуратураси томонидан қўлга олинди. Суриштирув жараёнида уларнинг яна бир хуфёна иши — 2003-2004 йилларда етиштирилган 70 тонна шоли ва сояни ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Аммо барчани ҳайратлантириб, бу гал ҳам Ғ.Раҳимов сувдан қуруқ чиқди...**

**Биз бу бедодликларга чидолмай, юқоридаги ҳолат тафсилотлари билан Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директори А.Хоназаровга мурожаат қилдик. Бундан хабар топган Ғиёс Раҳимов эса бизга катта миқдорда пул, уй-жой, яна биримизга институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимини таклиф қилди. Биз буларнинг барчасини рад этдик, аммо қаторимиздаги И.Содиқов таклифга рози бўлди. Шундан сўнг 2004 йил октябрь ойидан буён директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган А.Эгамназаровни 2005 йил 1 апрелдан асоссиз равишда, штат қисқартирилди деб лавозимидан четлатиб, аслида бу иш унинг ваколатига кирмасада, 2005 йил 8 апрелда 1-сонли меҳнат шартномасига асосан катта илмий ходим И.Содиқовни вақтинчалик ушбу лавозимга тайинлади. Шундан сўнг Раҳимов бизга «қўлим узун, ошна-оғайниларим кўп, барибир қўлларингдан ҳеч нарса келмайди, керак бўлса сенларни қаттиқ пушаймон едираман», деб дўқ-пўписа қилди. Биз фикримиздан қайтмаслигимизни, ҳақиқат қарор топиши учун курашишимизни айтдик...»**

Шикоятчилар аризада кўрсатилган мисолларнинг кўпини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳририятга тақдим этишди. Холис текширув ўтказилса қолганларини ҳам исботлаб беришларини айтишди. Аммо, улар айтган айрим гаплар ҳақ-ноҳақлиги алоҳида ўрганишни тақозо этади. Биз қўлимиздаги ҳужжатлар асосида фикр юритамиз.

...Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти бир гуруҳ ходимларининг ёзган шикоят хати бўйича Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директори А.Хоназаров махсус комиссия тузиш учун 2005 йил 31 мартда 16-сонли буйруқ чиқарди. Унга кўра жорий ва тарғиб этиш, тажриба хўжаликлари бўлими бошлиғи Қ.Эшмирзаев комиссия раиси, ҳисобот бўлими бошлиғи Р.Носиралиев, Андижон ғалла ва дуккакли экинлар ИТИнинг Ғаллаорол филиали бош ҳисобчиси С.Қурбонов, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИнинг марказий тажриба хўжалиги бош иқтисодчиси Ж.Зоитовлар комиссия аъзолари этиб тайинландилар.

Комиссия апрель ойида олиб борган текшириш ишларида Шоличилик ИТИ директори (ҳозирда собиқ) Ғ.Раҳимов, марказий тажриба хўжалиги директори Б.Юнусов, собиқ бош ҳисобчи Б.Набиев, янги бош ҳисобчи А.Акрамов, бош иқтисодчи О.Маханов ҳамда шикоят-ариза муаллифлари бевосита иштирок этди. Текширишларда хатда келтирилган факт ва далиллар тўғрилиги, аслида эса аҳвол бундан-да аянчли эканлиги аниқланди. Масалан Ғ.Раҳимовнинг қизи Абдураҳмонова Наргиза институтга ҳеч қандай алоқаси бўлмасада, 2003-2004 йиллар давомида грант П-2-46 дан ярим штат шартнома асосида 324289 сўм миқдорида иш ҳақи олган. Шунингдек, институт ҳудудидаги 35-40 йиллик чинорлардан ўнга яқини кесилиб, 100 минг сўмга сотилган бўлиб, булар расмийлаштирилмаган.

Текширишларда 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра институтнинг электр энергиядан 7 миллион 990 минг сўм, нефть маҳсулотларидан 2 миллион 500 минг сўм, ўғитдан 2 миллион 381 минг сўм, солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлардан эса 20 миллион 850 минг сўм қарзи борлиги аниқланди. Республика Бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослик станцияси (РБУУС) 100 тонна шоли сотиб олиш учун шартнома тузиб, институт ҳисобига 36 миллион 750 минг сўм кўчирган.

## Эътироф

**Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида ҳар йили миллий ўйинлар фестивали ўтказилади. Ташкилотчи мезбонларнинг бош мақсади — бутун дунёдан меҳмону мутахассисларни чақириб, ўзининг миллий спорти бўлмиш тэкингни «реклама» қилиш ва пировардида жаҳонга олиб чиқиш.**

**Хитойнинг 2008 йилги Олимпия ўйинларини Пекинда ўтказиш учун қаттиқ курашганининг энг асосий сабаби 1988 йил Сеулга берилгандек имтиёз (ўшанда таэквандо Олимпиадага кирган)дан фойдаланиш — ушу спортини Олимпия оиласига қўшиш эди.**

**Япониянинг неча ўн йиллардан бери каратэ ва сумо ривожи учун маблағни аямай келаётганинг боисини ҳам уларни Олимпия ўйинлари таркибида кўриш истагида эканидан излаш ҳар томонлама тўғри бўлади.**

**Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) президенти Комил Юсупов бошчилигидаги делегациянинг Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) бош қароргоҳи жойлашган Лозанна шаҳрига ташрифидан кўзланган муддао ҳам халқимизнинг асрий анъанаси, гўзал қадрияти, миллий спорти бўлмиш курашни Олимпия ўйинларига киритиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдир.**



# ОЛИМП САРИ ИЛДАМ ОДИМ




### 1894 ЙИЛ, 23 ИЮНЬ

Дунёда халқаро ташкилотлар бисёр. Аммо уларнинг ичида барча мамлакатлар бирдек эътироф этадигани саноқли. XIX аср охирида француз жамоат арбоби Пьер де Кубертеннинг саъй-ҳаракатлари билан тузилган ХОҚ нуфузи ва салоҳияти жиҳатдан жаҳонда ўз ўрнига эга.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак,



замонавий Олимпия ҳаракатини тиклаш ва унга халқаро мақом бериш орзусида елиб-югурган Пьер, биринчи галда, юнонларнинг бу борадаги муваффақиятсиз тажрибасини чуқур таҳлил қилганини кўрамиз. У ўз ниятини амалга ошириш учун кўплаб мамлакатларга сафар қилди, тарафдорлар тўплади, «Олимпия уйғониши» номли маърузасини тайёрлади.

1894 йилнинг 23 июнида Кубертеннинг ҳаммаслаклари Сорбонна университетига йиғилди. Айнан шу ерда, шу санада Пьер илгари сурилган ғоялар 12 та давлатдан келган 72 нафар вакил томонидан маъқулланди. Таъсис мажлиси, шунингдек, Олимпия хартияси дея ном олган асосий тамойиллар, қоида ва низомларни ҳам тасдиқдан ўтказди.

Мана, орадан юз йилдан кўп вақт ўтди. Шу давр мобайнида Олимпия ҳаракати тобора кенгайиб, нуфузи ортиб борди. Спортчилар учун Олимп чўққисини забт этиш энг юксак шарафга айланган бўлса, миллий спортига эга бўлган халқлар уни тўрт йилда бир марта бўладиган беллашувлар дастурига киритиш ҳаракатига тушди.

Замонавий Олимпия ўйинларига асос солинганидан қарийб бир асрдан кейин мустақилликка эришган ўзбек халқининг ҳеч қайси ўйиндан кам бўлмаган, узоқ тарихга, бетакрор анъаналарга эга миллий спорти бор. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида курашни халқаро майдонга олиб чиқиш ҳаракати бошланди.

### ҚАЙТА ГУЛЛАГАН ДАРАХТ

Оққан дарё оқмай қолмас, деганлари топиб айтилган гап. Мустаҳкам ўқ илдизга эга кураш дарахтининг бешта катта шохидан қисқа фурсатда 74 та шохчанинг ўсиб чиқиб, гуллай бошлагани бу нақлнинг амалдаги намоёнидир.

Энг муҳими, эндиликда бу гулнинг ифори, жозибаси ер юзида спорт сиёсатини юритадиган ХОҚ раҳбарларининг ҳам эътиборини торта бошлади.

2005 йилнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Спорт йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ХОҚ Лозаннадаги машҳур Олимпия музейида «Миллий спорт — боқий анъана» номли йиллик кўргазма ташкил этди. Унга бармоқ билан санарли спорт тури таклиф этилган бўлса, шунинг биттаси ўзбекнинг курашидир.

Олимпия музейининг эшигидан киришингиз билан фойедаги суратга кўзингиз тушади. Бу — кураш тушаётган полвонларнинг тасвири. Тагида уч тилда битиклари бор. Ҳаммасида «ўзбек» деган калом, «кураш» деган атама.

Музейнинг меъморий ечими ажойиб. Зинадан иккинчи қаватга кўтарилиш учун биз айтган суратни икки марта айланасиз. Қалбдаги ғурур янада алангаланади. Кураш намойиши учун ажратилган павильондаги ҳар бир экспонат миллий спортимизнинг тарихи, анъаналаридан сўзлайди. Катта экрандаги ҳужжатли фильмни томоша қилган меҳмонда кураш ватанига бориш истаги туғилади.

Шу йилнинг 25 майидан бошланган кўргазма тақдимот маросимида қатнашган ХОҚ президенти Жак Рогге курашни тарғиб этувчи зарур экспонатларни вақтида етказиб бергани учун Ўзбекистон делегациясига миннатдорлик билдириб, КХА раҳбарияти билан алоҳида учрашиш, ушбу спорт турини жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг истиқболдаги режаларини муҳокама қилиш истагида эканини айтганди.

Ўзбек курашининг дунёда янада тараққий этишида муҳим омил сифатида қаралган ана шу учрашув ХОҚнинг Лозаннадаги бош қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда, табиийки, қисқа даврда жаҳон спорт аренасига шиддат ва шижоат ила чиққан курашни Олимпия ўйинлари таркибига киритиш билан боғлиқ масалалар, бу борада қилиниши керак бўлган кенг кўламли ишлар ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.



### КУРАШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

Халқаро Олимпия Қўмитасининг муҳташам қароргоҳи олдида ҳилпираётган байроқлар эътиборимизни тортди. Биринчиси мезбонники экани маълум, иккинчиси эса Ўзбекистонники. Мамлакатимизга, халқимизга бўлган ҳурматнинг ифодаси эмасми бу?

Юртимиз делегациясига дастлаб ХОҚнинг бош директори Урс Лакотт пешвоз чиқди. (Пастдаги суратда ўнгда) КХА президенти Комил Юсупов билан бўлган самимий суҳбат чоғида у Олимпия ҳаракатининг бугунги аҳволи, соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга шахсан давлат раҳбарининг ўзи кўмак бераётгани катта мамнуният бағишлайди. Биз бундан жуда хурсандмиз. Айниқса ўзбекларнинг миллий спортини халқаро майдонга олиб чиқиш учун қилинган ишлар таҳсинга лойиқ. Фикримча, ХОҚ президенти Жак Рогге томонидан Олимпия ҳаракатининг баъзи жиҳатларини ислоҳ қилиш борасида ишлаб чиқилаётган янги дастурлар Олимпиадага киришга интилаётган спорт турларига янги имкониятлар очиб беради. Бунда даъвогар сифатида курашнинг имкониятлари ҳам юқори баҳоланмоқда. Агар шу хусусида мендан бирор услубий-назарий кўмак керак бўлса, бажонидил ёрдам беришга тайёрман.

Жаноб Лакотт Ўзбекистонда яратилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими ҳақида жуда қисқа маълумотга эга экан. Шунинг учун ҳам бу борадаги ҳикоямиз уни қизиқтириб қўйди.

— Марказий Осиё ўйинларини ташкиллаштириш учун борганимда, сизлар айтган тизимнинг аҳамиятли томонлари билан жойида танишиш истагидаман, — деди ХОҚ бош директори.

### АМИР ТЕМУР ВА ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

ХОҚ президенти билан учрашув жаноб Жак Роггенинг халқимизнинг тарихини эслашидан бошланди. Ва у кураш Амир Темур даврида ривожланганини, Соҳибқироннинг ўзи ҳам, аскарлари ҳам кураш сирларини яхши билганини таъкидлади.

— Агар менга қолса, — деди Жак Рогге, — кураш Олимпия ўйинларига кирган куни Амир Темурни биринчи чемпион, деб эълон қилган бўлардим. Бу шунчаки ҳазил эмас. Сиз кучли ва машҳур давлатнинг вакилларисиз. Инглизча айтганда, Uzbekistan — strong country. Ушбу таъриф бобонгиз Амир Темур даври учун қанчалик муносиблигини одил ҳакам исботлаган бўлса, бугунги кундаги тасдиғини ҳаммамиз амалда кўриб турибмиз.

Ҳозирда Европа халқларининг худди сизнинг курашингизга ўхшаган қатор миллий спорт турлари бор. Агар кураш тарихи минг йиллар билан ҳисобланишини инобатга олсак, миллий спортингизни Европага Амир Темур қўшинига шу ердан ёлланган аскарлар тарқатган, деган тахмин ҳақиқатга яқин келади.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистонга ва унинг миллий спортига бўлган юксак эътибори, курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритишда қўшаётган муносиб ҳиссаси учун Жак Рогге КХАнинг «Олтин ордени» билан мукофотланди. Эслатиб ўтамиз, бундан аввал ушбу олий мукофот билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, КХАнинг Фахрий Президенти Ислом Каримов (2002 й.) ва Ҳиндистон Миллий конгресс партиясининг раҳбари Соня Ганди (2004 й.) тақдирланган эди.

Мукофотни қабул қилиб олар экан, жаноб Жак Рогге кураш Ўзбекистон раҳбарининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида жадал ривожланаётганини, оз фурсат мобайнида бутун дунёда ўзининг минглаб мухлислари ва тарафдорларига эга бўлганини эътироф этди. Жаҳоннинг 74 та давлатида федерациялари фаолият кўрсатаётган кураш Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олишга муносиб, деди пировардида ХОҚ президенти.

### ЭНГ КАМИДА ЎТТИЗ МИНГ

Халқаро олимпия қўмитасининг собиқ президенти, 20 йилдан ошиқ шу ташкилотга раҳбарлик қилган Хуан Антонио Самаранч Тошкентга келгани, Юртбошимиз билан учрашгани, пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейини бориб кўргани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ана шу ташриф чоғида жаноб Самаранч журналистлар билан суҳбатлашар экан, Тошкентдаги мазкур музей Лозаннадаги Олимпия музейига ўхшашлигини айтганди.

Чиндан-да, ҳар икки музейнинг уйғун жиҳатлари жуда кўп экан. Масалан, уларнинг иккиси ҳам сўлим боғнинг юқори нуктасида жойлашган. Зиналардан кўтарилган сайин рўпарадаги иморатнинг салобати намоён бўла бошлайди. Ҳатто биноларнинг ички меъморий ечимида ҳам ўхшашлик бор. Экспонатларнинг жойлашиши хусусидаги мувофиқликни гапирмаса ҳам бўлади.

Лозаннадаги Олимпия музейига ҳар йили камида 30 минг киши ташриф буюради. Сабаби Европа Иттифоқи мамлакатларидан шунча ўқувчи консультатив машғулот ўтказиш учун олиб келинади.

Бу ерга келган сайёҳларнинг аксар қисми ҳам ушбу масканни четлаб ўтолмайди. Демак, бу ерга йилига ўртача юз мингга яқин одам ташриф буюради. Унда ўзбекнинг кураши 2006 йилнинг май ойига қадар намойиш этилади.

Дарвоқе, сафаримизнинг сўнгги куни музей мутасаддилари Ўзбекистондан олинган видеолавҳалар асосида кураш ҳақида алоҳида фильм тайёрлаётганини айтишди. Ва 60-70 яшар нуроний отахонлар беллашувлари муҳрланган тасвирлардан юборишимизни сўрашди.

### ҲАВАС ВА ҲАСАД

Шу икки туйғу доим ёнма-ён юрадими дейман-да. Ҳасадгўйларнинг Ватанимизга нисбатан отаётган тошлари, тўқиётган уйдирма ва бўҳтонлари кейинги пайтларда авж олди. Бу менга олға интилаётган машина тезликни қанчалик оширса, шамолнинг қаршилиги шунчалик кучайиб, ёқимсиз овоз чиқаришини эслатади. У қанчалик гувилламасин, йўлни танлаган улов барибир ўз вақтида манзилга етиб боради.

Мағрибда ҳасадгўйлар билан бирга бизга ҳавасмандлар ҳам кўп. Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге буни очиқ тан олди:

— Европа халқлари сизларга ҳавас қилади. Ўзбекистон нафақат ёш давлат, балки ёшлар мамлакати ҳам. Кураш жаҳонда нисбатан ёш спорт тури. Европа аҳолисини эса асосан ўрта ва кекса ёшдагилар ташкил этади. Ёшлари кўп юртнинг келажаги ёруғ бўлади. Бунинг устига, мана ўзингиз айтаяпсиз, мамлакатингизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган яхлит тизим яратилган. Бу жуда шарафли ва айни пайтда мураккаб жараён. Ёш болалар ўртасида ташкил этиладиган оммавий тадбирлар қанчалик қийин эканини мен яхши тушунаман. Аммо Ўзбекистон унинг эртанги самарасини ўйлаб шундай оғир ишга қўл урган экан, фақат олқишлаш керак.

Жаноб Рогге таъкидлаганидек, кураш жаҳонда нисбатан ёш спорт тури. Лекин у айни пайтда шунчалик қадимий. Ҳаммамизга ёд бўлиб кетган шоирона таъриф билан айтганда, кўҳна ва ҳамиша навқирон.

Агар мендан кураш қачон пайдо бўлган, деб сўрашса, қисқа ва лўнда жавоб бераман: кураш халқ билан бирга туғилган. Шунинг учун ҳам у халқники. Шунинг учун ҳам каратэ ёхуд дзюдо сингари маълум бир шахс томонидан қайсидир йили яратилмаган.

Халқ билан бирга яшайдиган, миллат тараққий этса ҳамоҳанг ривожланадиган қадриятга, анъанага тўсиқ қўйиш мумкин эмас. Кураш элимизнинг ана шундай анъанаси, кураш миллатнинг шундай қадрияти.

Ўзбек кураши мустақиллик қуёшидан нур олиб жаҳонга юз тутди. У бизники, ҳаммамизники.

●●●

**Кураш Олимп сари илдам одим ташлади. Аммо ҳали манзилга етмоқ учун янада кўпроқ куч сарфлаш, тезлик ва эпчиллик билан дадил ҳаракат қилишимиз зарур. Зеро, Олимпия ўйинларининг асосий шиори ҳам, бу оилага қўшилган спорт турларининг ҳаётий тажрибаси ҳам ана шу мезонга қурилган.**

**Қадамларинг қутлуғ келаверсин, менинг курашим — ўзбекнинг кураши!**

**Озод РАЖАБОВ,**
*Тошкент — Женева — Лозанна — Тошкент*

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**2006 йилда капитал таъмирлаши режалаштирилган умумтаълим ўрта мактаблари:**

— Қарши шаҳридаги кардиология диспансерини капитал таъмирлаб ва қайта режалаштириб кардиология марказига айлантириш-қурилиш муддати — 125 кун.

**Лот-1.** — Деҳқонобод тумани Дархон қишлоғида 352 ўқувчи ўринли 50-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 160 кун.

— Деҳқонобод тумани Новобод қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 160 кун.

— Деҳқонобод тумани Бозортепа қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 120 кун.

— Деҳқонобод тумани Деҳқонобод қўрғонида 400 ўқувчи ўринли 68-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

**Лот-2.** — Яккабоғ туманида 600 ўқувчи ўринли 77-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 180 кун.

— Ғузор тумани Қовчин қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 45-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

Чироқчи тумани Додиқ қишлоғида 520 ўқувчи ўринли 45-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 150 кун.

**Лот-3.** — Китоб тумани Яккатут қишлоғида 503 ўқувчи ўринли 18-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 90 кун.

— Китоб тумани Кусан қишлоғида 566 ўқувчи ўринли 35-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 90 кун.

— Яккабоғ туманида 940 ўқувчи ўринли 75-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 180 кун.

— Яккабоғ тумани Исабой қишлоғида 300 ўқувчи ўринли 34-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот-4.** — Қарши шаҳридаги 1296 ўқувчи ўринли 2-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 180 кун.

— Қарши шаҳридаги 1236 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 180 кун.

— Қарши шаҳридаги 620 ўқувчи ўринли 6-сонли мактаб биноси. Қурилиш муддати — 120 кун.

**Лот-5.** — Шаҳрисабз тумани Хазара қишлоғида 1020 ўқувчи ўринли 39-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 180 кун.

— Шаҳрисабз тумани Тамшуш қишлоғида 220 ўқувчи ўринли 62-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 60 кун.

— Шаҳрисабз тумани Увайсий қишлоғида 720 ўқувчи ўринли 27-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 150 кун.

— Шаҳрисабз тумани Мираки қўрғонида 737 ўқувчи ўринли 36-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 150 кун.

**Лот-6.** — Қамаши тумани Гулистон қишлоғида 464 ўқувчи ўринли 12-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

— Қамаши тумани Оқрабод қишлоғида 440 ўқувчи ўринли 62-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

Қарши тумани Янгибоғ қишлоғида 417 ўқувчи ўринли 16-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

— Қарши тумани Ҳилол қишлоғида 1420 ўқувчи ўринли 5-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 180 кун.

**Лот-7.** — Муборак тумани Сариқ қишлоғида 417 ўқувчи ўринли 16-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 90 кун.

— Муборак тумани Хўжамуборак қишлоғида 200 ўқувчи ўринли 15-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 60 кун.

— Нишон тумани Оқ олтин жамоа хўжалигида 624 ўқувчи ўринли 14-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

— Нишон тумани У.Юсупов жамоа хўжалигида 624 ўқувчи ўринли 13-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 120 кун.

Лот-8. Чироқчи тумани Қўриқсой қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 59-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 90 кун.

— Чироқчи тумани Чироқчи шаҳрида 820 ўқувчи ўринли 160-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 150 кун.

— Яккабоғ тумани Яккабоғ қўрғонида 400 ўқувчи ўринли 20-сонли мактаб. Қурилиш муддати — 90 кун.

Буюртмачи — вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

**Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш — ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:**

◆ етарли касбий ва техникавий малакага;
◆ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
◆ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
◆ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
◆ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

*Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиши мумкин.*

*Тел/факс: 221-07-79.*

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатлари нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати-оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.**

**«ШИФОКОР НОН»**

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР**

**Хабарнинг тартиб рақами — 09**
**«Шифокор нон» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши қарори:**
**Умумий йиғилиш тури** — йиллик.
**Умумий йиғилиш ўтказилган сана** — 2005 йил 25 июнь.
**Умумий йиғилиш ўтказилган манзил** — Тошкент шаҳри, Г.Каримов кўчаси.
**Умумий йиғилиш кворуми** — 61,2%.

Кун тартиби ва овоз бериш натижалари:
1. Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботи. Тарафдорлар — 100 %, қарши ва бетарафлар — йўқ.
2. 2004 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
3. Жамият фойда ва зарарлар ҳисоботи, йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
4. 2004 йил фаолияти бўйича текшириш юзасидан аудиторлик хулосаси ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
5. 2004 йил фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
6. 2005 йил жамият бизнес-режасини тасдиқлаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
7. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.
9. 2005 йилга аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва тўлов миқдорини белгилаш. Тарафдорлар — 100%, қарши ва бетарафлар — йўқ.

Қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ матни:
1. Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин.
2. Жамият бошқарув раисининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин.
3. Жамият фойда ва зарарлар ҳисоботи, йиллик бухгалтерия баланси тасдиқлансин.
4. 2004 йил фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик хулосаси ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
5. 2004 йил фаолияти бўйича соф фойда — захира фондига йўналтирилсин.
6. 2005 йилга жамият бизнес-режаси тасдиқлансин.
7. Жамият бошқарув раиси М.Бекбоев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга узайтирилсин.
8. Жамият Кузатув кенгаши таркибига С.Абдуваҳобов, Б.Умаров У.Баширов, Б.Иминов киритилсин.
9. 2005 йилга жамият аудитори этиб «Дунё аудит» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин ва хизмат ҳақи учун 100,0 минг сўмгача тўлов миқдори белгилансин.

**Ахборотнинг тартиб рақами — 10**
Жамият бошқарув органлари таркибидаги ўзгаришлар:
Кузатув кенгаши аъзолари қайта сайланди.
Кузатув кенгаши таркибига сайланган ёки унинг таркибидан чиқарилган шахсларнинг фамилияси, исми, эгалик қилган акциялар сони.
С.Абдуваҳобов, Б.Умаров, У.Баширов, Б.Иминов сайланди. Н.Зиятов чиқарилди.
Қарорни қабул қилган эмитентнинг ваколатли органи — акциядорлар умумий йиғилиши.
Ушбу ўзгаришлар рўй берган сана: 2005 йил 25 июнь.

Ўзбекистон ХДП МК ижроия қўмитаси Ҳайъати партиянинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси К.Исобековга укаси

**Жамол ШЕРҒОЗИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
**Andijonda** — 25-32-70
**Buxoroda** — 222-10-92
**Gulistonda** — 25-22-32
**Jizzaxda** — 5-49-85
**Navoiyda** — 223-83-73
**Namanganda** — 6-43-43
**Nukusda** — 222-70-15
**Samarqandda** — 35-20-54
**Urganchda** — 226-51-35
**Farg`onada** — 26-43-62
**Termizda** — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchi:**
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
***Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 755
*6558 nushada bosildi*
*т — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti
1 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**